

ЁҒОЧ ҲЙМАКОРЛИГИ

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА
САНЪАТ МАКТАБИ УЧУН
ҲҚУВ ДАСТУРИ

Сўз боши

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, унда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадиий санъатнинг бу тури дерли барча халқларда бўлиб, жумладан Ўрта Осиёда ҳам ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб кишиларнинг уй рўзғор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг қўлланилган. Бу ўймакорлик қадимий архитектуранинг эшик, дарвоза, дераза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта. қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган. V-VI асрларда ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқ тепа тубидан топилган.

Олимларимизнинг аниқлашларича, бундан бир-бир ярим минг йил муққадам мазкур жойда нақш ўймакорлиги санъати бўлиб у жуда яхши ривожланганлиги исботланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда бугунги кунгача археологик қазилмалардан топилмоқда.

Маданиятимизнинг ривожланиши ёғоч ўймакорлигининг янада ривожланишига олиб келади. Ёғоч ўймакорлиги билан эшиклар, бинолар, устун, равоқ ва ҳар хил хонтахталар безатилди. Ўймакор усталар ўзи яратган санъат асарларида тимсол ва дуо-афсунлар, тасбеҳ ва таносибларнинг нақадар кўплигини кўриш мумкин.

Ҳар бир ўйма нақш заминида қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади. Улар бу мураккаб нақшлар орқали воқеъликдаги энг гўзал тилакларни акс эттириб келганлар. XI-XII асрларда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш тури бўлган геометрик нақш яъни гирих нақши безакда етакчи ўринни эгаллади.

Ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос турли услуб ва усуллари бор.

Масалан: Хива ёғоч ўймакорлиги ўймасининг монументаллиги, ёғоч табиий рангини сақлаб қолиши билан бошқалардан фарқланади.

Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нашларни олтин, кумуш суви билан безатилиши. Нақш заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Марғилон ёғоч ўймакорлиги чуқур заминли ясси ўймани қўллаб келганлар.

Қўқон ёғоч ўймакорлиги эса катта бўртмали, ясси ўйма ишлатганлар.

Тошкентда эса нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган.

Ёғоч ўймакорлиги мактаблари тахминан 40-50-йиллардан кейин пайдо бўлган. Республикамизда Қўқон, Хива, Самарқанд, Тошкент мактаблари мавжуд.

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган ёғоч турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ёғоч ўймакорлигида ота-боболаримизнинг қадимдан ҳар хил ёғочлардан турли мақсадда фойдаланиб келганлар. Усталар ёғочни ўйишдан олдин унинг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ўргангандан кейингина ёғочга ўйиб нақш ишлаганлар. Ҳамма ёғочлар дарахт турига қараб икки гуруҳга: **баргли ва нина баргли** дарахтларга бўлинади.

Нина баргли дарахтлардан олинган ёғочлар қурилишда, дурадгорликда ва ёғоч ўймакорлигида асосий материал ҳисобланади, чунки унинг ўзига хос афзалликлари бор. Чунончи таркибида смолали моддалар бўлганлиги учун у тез чиримайди баргли дарахтларга қараганда унга ишлов бериш осон.

Тог тераги (русча-осина) баргли дарахт, пўстлоғининг ранги сарғимтир, юпқароқ, танасининг пастки қисмида чатноғи бўлади. У юмшоқ ёғоч турига киради, ишлаш осон, ундан ўйинчоқлар, идишлар, эшик, фанера, гугурт ва ҳар хил буюмлар ясалади. Ёғоч ўймакорлигида жуда тез чириганлиги учун кам ишлатилади.

Оқ қарагай (пихта)-пўстлоғи юпқа, силлиқ кулранг тусда бўлади. Ў юмшоқ енгил, осон ишланади, бироз қорамтир доғли, ёғочи оқиш бўлади. Майда кўзли кам смолали, хиди йўқ намга чидамсиз. Чолғу асбобларини ясашда, ёғоч ўймакорлигида ва қурулишда ишлатилади.

Қарагай –(сосна) –иғна баргли дарахт пухта енгил смолали, оқ қизғиш ёғоч намга чидамли, пўстлоғи қалин ва тўқ жигарранг тусда бўлади. Унинг баландлиги 30-40 метр, ёши 120-150 йил бўлади. У қурулишда, кемасозликда, мебель ишлаб чиқаришда ва ёғоч ўймакорлигида ишлатилади.

Тилоғоч – (лествинница) – иғна баргли дарахт турига киради. Оғир, ёғочи каттиқ, қорамтир-сарғиш рангли чиройли кўринишга эга. Қарагайга қараганда 30 фоиз намга чидамли. У ортиқча смолали, пўстлоғи қалин, ёғочи майин қатламли бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, сифат жихатига қараб, Арғувон (Липа), Мирзотерак (тополь), Оқ қайин (берёза), Қора қайин (бук), Шум тол (ясень), Заранг (клён), Чинор (плата), Нок (груша), Арча (можжевельник), Ёнғоқ (орех), Зирк (ольха) дарахтлари кенг қўлламда ишлатилади.

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоблар.

Ёғоч ўймакорлигида турли асбоблар ишлатилиб ўзига хос ишлар бажарилади. Ёғоч ўймакорлигидаги асбоблар икки турга бўлинади: нақш ўйиш учун **”Ўйма қаламлар”** ва иккинчиси **”нақш қаламлар”** дир. Булардан ташқари, искана (стамеска) турлари қуйидагилардан иборат: Кавзва искана, тўғри искана, замин искана, балиқ сирти искана, морпеч искана, чекма искана, куракча искана, чекмали искана, хаткаш (рейсмус).

Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган ўлчов асбоблари.

Ёғоч ўймакорлигида нақш композицияларини чизиш, ўлчаш ва бошқаларда бир қанча ўлчов асбоблари ишлатилади.

Масалан : чизгичлар, ўлчагичлар, паргор, қалам, кнопка, ўчиргич, учбурчаклар, рейшина, транспортёр ва бошқалар.

Ёғоч ўймакорлиги ўқув дастури.

1-синф

1-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Ёғоч ўймакорлиги тарихи, нашр этилган адабиётлар ҳамда тайёрланган альбомлар билан танишиш
- 2- Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган ёғоч турлари, ёғочни ўймага тайёрлаш
- 3- Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг турлари билан танишиш
- 4- Ёғоч ўймакорлигида оддий нақш намуналари ва унинг турлари
- 5- Нақш ва унинг турлари, уларни чизиш
- 6- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш
- 7- Ёғоч ўймакорлиги иншоотлари, кўрғазмаларга саёхат
- 8- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари талаблари.

II-ярим йиллик

Мавзулар::

- 1- Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган нақш элементлар.
- 2- Энг оддий хошиябоп нақш намуналарини тартиб рақами бўйича чизиш.
- 3- Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган материаллар ва уларнинг турлари.
- 4- Дурадгорлик ишлари ҳақида умумий маълумот.
- 5- Ёғочга ишлов бериш, пардозлаш.
- 6- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш, ёғоч ўймакорлиги усталари билан учрашув.
- 7- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талабларига риоя қилиш.
- 8- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари.

2-синф

1-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Ёғоч ўймакорлигидаги буюмлар учун мос материаллар танлаш.
- 2- Дурадгорлик бирикмалари ҳақида тушунча.
- 3- Буюм юзасига композиция тушириш.
- 4- Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлатиш қоидалари.
- 5- Меъморий безак санъати.
- 6- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари талаблари.
- 7- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш, ёғоч ўймакорлиги усталари билан учрашув.
- 8- Санитария-гигиена қоидалари талаблари.

II-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Ёғочларни арралаш, рандалаш, керакли ўлчовга келтириш ва уларга ишлов бериш ҳамда жилвирлаш.
- 2- Оддий хошиябоп нақш намуналарини босқичлари бўйича ўйиш ва чақичлаш.
- 3- Пардозлаш турлари
- 4- Тасвирий ва меъморчилик санъати тарихи
- 5- Нақш элементлари ёрдамида нақш элементларини мустақил тузиш ва ўйиш.
- 6- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари

3-синф.

1-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Нақш намунаси учун ахта хока тайёрлаш, хока ёрдамида шакл юзасига нақш тушириш, заминини текислаш, пардозлаш усулида пардозлаш
- 2- Учбурчак ичидаги нақш композициясини тузиш ва ўйиш.
- 3- Тўртбурчак ичидаги нақш композициясини тузиш ва ўйиш.
- 4- Ўқувчиларнинг энг яхши ишларидан кўргазмалар ташкил этиш
- 5- Миллий Меъморчиликда бадиий ёғоч ўймакорлик санъати ишларини

- бажариш
- 6- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари
 - 7- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари

II-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Айлана ичидаги нақш композициясини тузиш ва ўйиш.
- 2- Геометрик нақшларни чизиш ва намуналар ўйиш
- 3- Нақшлар чизиш ва ўйиш.
- 4- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш, ёғоч ўймакорлиги усталари билан учрашув
- 5- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари
- 6- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари

4-синф

1-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Бошқа халқлар амалий санъатини ўрганиш ва улардан намуналар ишлаш.
- 2- Намоён ва унинг турлари.
- 3- Меъморчилик безак санъати
- 4- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш, ёғоч ўймакорлиги усталари билан учрашув
- 5- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари
- 6- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари

II-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Ўйма қутича яшаш ва уни ўйиш, пардозлаш, лаклаш ишларини бажариш.
- 2- Ўйма рамка яшаш ва ўйиш жилвирлаш, лаклаш, пах пардозлаш усулида пардозлаш.
- 3- Сабзи тахтача шаклига нақш композициясини тушириш, ўйиш ва бадий безаш
- 4- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари

5- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари

5- синф

1-ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Электр ва дастгохлардан фойдаланиш
- 2- Ўйма сандиқча тайёрлаш
- 3- Буюм юзасига нақш тушириш, ўйиш ва пардоз усулида пардозлаш
- 4- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари
- 5- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари

II -ярим йиллик

Мавзулар:

- 1- Занжира турлари
- 2- Мураккаб пардозлаш турлари
- 3— Ўйма курси тайёрлаш, ўйиш ва бадий безаш
- 4— Ўйма курси, қути ва қутичалар тайёрлаш, ўйиш ва бадий безаш.
- 5- Меъморчилик ишоотлари билан танишиш, ёғоч ўймакорлиги усталари билан учрашув
- 6- Санитария-гигиена қоидалари, талаблари
- 7- Устахонада техника хавфсизлиги қоидалари, талаблари

Адабиётлар

1. С.Булатов "Ўзбек амалий безак санъати" 1991 йил. Тошкент.
2. Ноткин Л.И. "Бухарская резьба по ганчу" Тошкент Госполитиздат УзР.
3. С.Булатов "Наққошлик" 1991 йил. Тошкент.